

- Больше про Pressa
- Новость от webmaster

Самая читаемая стат  
Pressa:


ОЧЕРЕДНОЙ ОПУС В  
СЛАВУ ПРЕЗИДЕНТА

Агар сизни улдирсам мен хам жавобгарликдан озод буламанми..?

Эркинюрт учун Нуруллох Шамсиддин угли

18.10.2004

2004 йил 18 июнь куни соат 12-30 лар чамаси Езёвон туман Янгиобод КФЙ Янгиобод кишлогида жойлашган «Абдухаким ота 100» фермер хужалиги худудидан окиб утувчи зовур ёкасидаги чукурда устига хашак ва тупрок ташланган аёл кишининг жасади топилди. Бу жасад АШУРОВА НОДИРА ИСМОИЛОВНАга тегишли булиб, у кули оркасига боғланган, оғзига лозим-иштони тикилган, буйин кисми матодан килинган сиртмок билан бугилиб, вахшийларча улдирилган эди. Мана шу белгиларни инобатга олиб, туман прокуратураси томонидан мазкур холат буйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-кисми буйича прокурор ШЕРКУЛОВА ТОЖИХОН имзоси билан жиноят иши кузготилган эди. Айни шу куни прокуратура терговчиси АХРОРОВ ОТАБЕК гувоҳлантириш утказиш хақида қарор қабул қилган...



Ошқора котилликлар

Эркинюрт учун Нуруллох Шамсиддин угли

18.10.2004

2004 йил 11 октябрь куни Фарғонада антика суд жараёни булиб утди. Жиноий ишлар буйича Фарғона вилоят судининг апелляция судлов хайъатида муҳокама қилинган ушбу суд жараёнида котилликка қорлаган «чолчалар» хақида гап кетди.

Ноқеа куйидагича булган эди.

2004 йил 18 июнь куни соат 12-30 лар чамаси Езёвон туман Янгиобод КФЙ Янгиобод кишлогида жойлашган «Абдухаким ота 100» фермер хужалиги худудидан окиб утувчи зовур ёкасидаги чукурда устига хашак ва тупрок ташланган аёл кишининг жасади топилди. Бу жасад АШУРОВА НОДИРА ИСМОИЛОВНАга тегишли булиб, у кули оркасига боғланган, оғзига лозим-иштони тикилган, буйин кисми матодан килинган сиртмок билан бугилиб, вахшийларча улдирилган эди.

Мана шу белгиларни инобатга олиб, туман прокуратураси томонидан мазкур холат буйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-кисми буйича прокурор ШЕРКУЛОВА ТОЖИХОН имзоси билан жиноят иши кузготилган эди. Айни шу куни прокуратура терговчиси АХРОРОВ ОТАБЕК гувоҳлантириш утказиш хақида қарор қабул қилган.

Ушбу қарорда куйидаги сузлар битилган: «...мазкур жиноят иши буйича мархума Ашурова Нодиранинг турмуш уртоғи ГАНИЕВ ИСКАНДАР УСМОНОВИЧнинг бадани куздан кечирилганда унинг қуқрак қафасида ва буйин, орка елка кисмида тирналмалар мавжудлиги аниқланди. Шунинг учун И. Ганиевни баданидаги тирналмаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун уни Маргилон туманлараро суд-тиббийет экспертиза бюроси экспертларига куйидаги саволларга аниқлик киритиш учун юборишни лозим деб топган.

1. Искандар Ганиевнинг қуқрак қафасидаги, буйин соҳасидаги ва орка елка кисмидаги тирналган жарохатларнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш;
2. И. Ганиевнинг баданидаги тирналган жарохатлар узаро олишув вақтида келиб чиққанми?».

Шу куниек суд-тиббийет экспертиза бюроси эксперти АБДУРАФИК СОТВОЛДИЕВ узининг 625- сонли экспертиза хулосасида «махаллий соҳа қурув вақтида И. Ганиевнинг баданида тан жарохатлари аниқланмади» деб қурсатилган.

Кизик, прокуратура терговчиси қурган тан жарохатлар қаерга йуқолди?!

Бу жарохатларни балки қотил Искандар Ганиевнинг «чолчалари» йуқотгандир.

Рейтинг статьи

Средняя оценка: 0  
Голоса: 0

Пожалуйста, найдит  
секунду и проголосуйт  
эту статью:



Учтите мой голос!

опции

Напечатать текущ  
страницу

Отправить статью  
другу

Кандай чолчалар хақида гап кетинти? деб сурашингиз табиий.

Бу чолчаларни Фарғона вилояти 1-сонли рухий касалликлар шифохонаси бош врачлари уринбосари К. КАРИМОВ, врач-психиатр А.ХАКИМОВ, врач-психиатр М. АБДУРАЗИМОВА узларининг 2004 йил 22 июнь куни 101-сонли суд-психиатрия хулосасида, Ўзбекистон Республикаси клиник психиатрия шифохонаси бош врачлари Ф. АБДУЛКОСИМОВ, суд-психиатрия экспертизаси вакили Э. НАЗАРОВА, Р. ИКРОМОВ, С. АХМЕДОВлар узларининг 2004 йил 17 август куни 160-сонли суд-психиатрия экспертизаси хулосаларида пайдо қилишган. Улар узларининг бу хулосаларида ушбу қотиллик жиноятида Ганиев Искандарни эмас, балки унинг тушига кириб, «хотининингни улдир, хотининингни улдир», деб буйруқ берувчи гойибадаги «чолчалар»ни айбдор деб қурсатишган.

Шу билан биргаликда узларининг хулосаларида ашаддий қотил И. Ганиевни рухий касаллик билан ҳаётланганлиги сабабли узи содир этган ҳаракатларни англай олмаслиги боис тергов ва суд жараёнларида қатнаша олмаслиги, ижтимоий ҳаффи ҳаракатларни ақли норасолиги туфайли содир этганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод этилиши суралган.

Прокурор хоним Тожиҳон Шеркулова эса И. Ганиев хотинини улдириб эмас, тириклайин қумганлиги, кул-оёғи боғланган, оғзига латта тикилган, яланғоч ҳолатдаги қумилган аёл қотил томонидан аввалдан махсус тайёрланган чуқурдан чиқиши учун жон аччиғида интилганлиги, жон беришга қийналганлиги, кузи очик ҳолда кинидан чиқиб кетганлиги ҳолатларига эътибор бермасдан суд-психиатр экспертлари билан биргаликда туққан эртақларига бошқаларни ҳам ишонтирмоқчи бўладилар.

Натижада, 2004 йил 28 август куни прокурор хоним жиноят ишини айбланувчи рухий касаллиги муносабати билан мажбурий тиббий даволаш чорасини куллаш учун судга юбориш хақида қарор қабул қилади.

2004 йил 10 сентябрь куни эса жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди прокурорнинг қарорини қувватлаб, ваҳший қотиллик жиноий жавобгарликдан озод қилади.

Хуш, ундан кейинчи?

Марҳуманинг етим қолган иккита гудагини бобоси, яъни жабрланувчи ИСМОИЛ АШУРОВ фарзандининг қотили бўлмиш кўёви И. Ганиевни қонуний жавобгарликка тортилишини сураб идорама идора кеза бошлади.

Фарғона вилоятидаги 10га яқин адвокатлар идораларига бош суқди, бечора. Отанинг фожеаси, аянчли аҳволини адвокатлар суқут саклаб тинладилар. Аммо унинг пули нуқлигини билгач, яна уша суқут билан ердан беришдан бош тордилар.

Шундан кейин Исмоил Ашуров инсон ҳуқуқлари нодавлат ташкилоти вакилларига мурожаат қилди. "Утораклар" клуби раҳбари МУЪТАБАР ТОЖИБОЕВА, халқларвар инсон ҳуқуқлари ташкилоти раиси СОДИКЖОН КИРОНОВ, жабрланувчининг ҳамқишлоғи 70 ешли ҚАРОМАТ ХУСАНОВА, маҳалла раиси БОЗОРБОЙ ЖАББОРОВ, Учқуприк туманилик жабрдийда, дәрди-ташвиши Исмоил отаникидан кам бўлмаган ВАЛИЖОН ҚУЧҚОРОВ, Фарғона шаҳридан ХИЛОЛА ОХУНОВАлар узларининг беиннат хизматларини аямдилар. Улар нотариал идора орқали ишончномалар олиб, жабрдийдаларнинг химоячиларига айландилар.

М. Тожибоева адвокат ҳам еллади. Бу химоячилар жиноий иш материаллари билан танишар экан, ажабтовур далилларга дуч келдилар.

Жумладан, жиноят ишининг 43, 59, 63 ва 90-варақлари И. Ганиевнинг тушунтириш хати, гумонланувчи, айбланувчи сифатида берган қурғазмаларида уни ҳеч қандай рухий касаллик аломатлари сезилмаган. 21-варақда 2004 йил 18 июнь куни 625-сонли суд-тиббий қуриғида утқазилган пайтида ҳам берилган саволларга тўғри ва аниқ жавоб берганлиги ёзилган. 49-варақда И. Ганиевга маҳалла томонидан берилган тавсифномада уни ақли расо йиғит эканлиги, жамоат жойларида узини яхши тутиши ёзилган. 56, 67, 104, 109-110, 113, 142, 145, 148-варақларда гувоҳлар Йўлдошева Феруза, Ашуров Солижон, Ганиев Рустам, Ганиева Мухаббат, Парфибоева Лазоқат, Рустамов Мухитдин, Ганиев Усмон, Давлатов Баҳром, Бердибоева Барчиной, Жабборов Бозорбойлар берган гувоҳлик қурғазмаларида Искандар Ганиев ҳеч қачон касал бўлмаганлиги, характерида шунга ҳос хислатлар сезилмаганлиги ёзилган.

Ёзёвон туман марказий шифохонасининг 60-61-сонли маълумотномаларида қотилнинг ҳеч қачон рухий ва нарқологик касаллик билан мурожаат қилмаганлиги ва ҳисобда турмаганлиги ёзилган.

Айниқса, ваҳший қотилнинг укаси ГАНИЕВ ИЛХОМнинг 119-варақдаги қурғазмаси диққатга сазовордир. У уз қурғазмасида акаси И. Ганиев менга ёки ота-онамга қузига қинлардир қуринаётганидан шикоят қилмаган. Нодира опағни жасади топилганидан сўнг акам ИИБ ходимларини узидан узи қузинга ҳар хил нарсалар қуринаяпти, деган деган гапни узица ушлаб юрибди. Менямча, уни эс-хуши жойида, атайлаб айтаётганга уқшапти. Уни нима учун бундай гапни туқиб чиқарётганига ҳайронман, деган.

Бор ҳақиқатни фанс этса юкорида баён килинган ва яна исталганча ёзилиши мумкин булган далилларни курган инсон хукуки химоячилари кураш осон кечмаслигини тушуниб етдилар.

Энг аввало кишлок ахолиси уртасида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Шу билан биргаликда котилни рухий касаллигини исботлаб бериш учун халқаро микёсдаги холис суд-тиббиёт эксперт гуруҳи жалб килинишини, акс холда бутун кишлок фуқаролари ёппасига хукуматни истеъфосини талаб килиб мамлакат президенти И. Каримовга телеграмма юбордилар.

Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят суди апелляция инстанциясининг бутун Янгиобод кишлок ахолиси номидан 100 га якин фуқаро имзо чекиб жунатдилар.

2004 йил 11 октябрь куни бошланган суд жараёнида маҳаллий журналистлардан САЛИМАХОН РУСТАМОВА ва ШОХИСТА ТОЛИПОВАларнинг иштирок этишини сўраб ариза ташкил килдилар.

Апелляция суди давомида гувоҳ тарикасида қакирилган психиатр М. АБДУРАХМОНОВА уялмай – нетмай ушбу жиноятни содир этишда Искандар Ганиев эмас, унинг «чолчалари» айбдор эканлигини айтиб кургазма берди. У узининг бу кургазмасини И. Ганиевнинг сузларидан олганлигини баён килди. У шунингдек, И.бГаниевга ўхшаган камгап, одамови кишилар рухий касал буладилар, характерларида рухий касалликлар аломатлари кузга чалинади деб айтди. (Республика президенти И. Каримов ҳам ута камгап дейишади. Н.Ш.)

Муътабар Тожибоева жиноят иши материаллари орасидан тириклайн кумилган аёл фотосуратини врач-психиатрга курсатиб, «...Сизни кизингизни ҳам куёвингиз чолчалари буйрук бериб, шу алфозда улдиртириб юборса нима килардингиз», деган саволига психиатр хоним жавоб бермасдан ййлаганича суд залини тарк этди.

Айниқса, 2004 йил 3 май куни КУЧКОРОВА НАРГИЗАни эри РАХМОНОВ БАХТИЁР томонидан уриб улдириб, кейин оёганлиги хақидаги жиноий иши суд инстанцияларида 11 марта курилиб, 11 марта тухтатилган жабрдийда отахон ВАЛИЖОН КУЧКОРОВ нинг «...хозир мени ҳам одамларим Сизни улдиришга топширик беришяпти. Агар Сизни улдирсам мен ҳам жавобгарликдан озод буламани. Аввал Сиз менинг саволимга жавоб беринг, кейин мен чолчаларимни буйругини шу ернинг узида адо этаман», - деган гапи судья жанобларини курувга солди, чамаси, судьялар МАЪРУФ ТЕШАБОВ, МАВЖУДА РУЗИЕВА, ВАХОБЖОН СИДДИКОВлар И.Ганиевга рухий касаллиги хақида берилган иккита маълумотномага танкидий ёндошдилар. Ва комиссия тарзда кайта экспертиза утказиш учун ишни кайта куришга ажрим чикардилар.

Бундан кейин юкорида курсатилган врач-экспертларнинг кирдикорлар хаспушланадиган булса хукук химоячилари фаоллари Республика Согликни Саклаш вазири ФЕРУЗ НАЗИРОВ ва республика Суд-Тиббиёт экспертизаси Бош бюроси рахбари ЗАЙНИДДИН ГИЁСОВларнинг истеъфосини талаб килиб Тошкент шаҳрида рухсат этилмаган, тинч норозилик намойиши, куча юришлари бошлашлик хақида қарор килганлар.

#### Фаргона -Наманган -Тошкент

Порог  Тонко  По возрастанию  Обновить  Поместить комментарий

Спасибо за проявленный интерес

**Re: Ошқора котилликлар** (Всего: 0)

от Anonymous на Monday, October 18 @ W. Europe Daylight Time

haxuda yamon qotillikk. Lekin bechora marhuma ayolni bir aybi bordir, bekordan bekorga uz farzandlarining onasini uldirma Kasal odam. Eriga hiyonat qilgandir balkim. Hiyonat bu olimdan ham battar. Nurulloh Shamsiddin ogli oldin shularni yaxshila internetda yazing!

ha keyin, I A. Karimov ni kam gap dep kimlarga tenglashtitir turibsiz? Sal pal uylanib yazing. Nima bolganda ham president. president ham bolmaydi, boy ham bolmaydi.

Qayerda aql yetishmasa, usha yerda hamma nersa yetishmiydi.

[ Ответить на это ]

**Re: Ошқора котилликлар** (Всего: 0)